

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

У.Бекбаев, К.Муминов Матрицали дифференциал тенгламалар системасини сиртлар учун Лоренц алмаштиришлари аниқлигида ечиш.....	5
Э.Каримов, С.Кербал Суб-диффузия ва тўлқин тенгламаларидан иборат аралаш типдаги тенглама учун трикоми типдаги масала.....	10

КИМЁ

Н.Бозоров, В.Кудышкин Метилакрилатнинг акрил кислотаси билан сополимеризацияси	15
Ҳ.Исмоилова, Д.Бекчанов, Ш.Ҳасанов, М.Балтаева Пластикат поливинилхлоридни полиэтиленполиамин билан модификациялаб олинган ионитга мис(II), никель (II) ва кобальт(II) ионларининг сорбцияси	19
М.Ахмадалиев, И.Асқаров Зарарсиз толалар асосида маҳсулот олиш канцероген асбест муаммоларининг ечими сифатида	22
Б.Саттарова, И.Асқаров, Ш.Абдуллоев Товуқ гўштини сертификатлашда унинг таркибидаги антиоксидантлар миқдорини аниқлаш.....	27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Максудов Фарғона вилоятида анорчиликни ривожлантириш ва ушбу соҳанинг истиқболлари	33
--	----

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Гафуров, О.Гафуров Агроиқтисодиётнинг муҳим моддий ва маънавий тимсоли (КФК 80 ёшда).....	36
---	----

ТАРИХ

Б.Абдуллаев, З.Раҳманов, Н.Камбаров Қўштепа-2 ёдгорлигидаги кўшк хандагининг тадқиқотлари	40
У.Мирзалиев Совет даврида Сирдарё вилоятидаги тарихий-демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари	44
И.Хўжахонов Совет тарихшунослигида ўзбеклар миллий идентиклиги муаммосининг ўрганилиш жиҳатлари.....	48
М.Хасанов, Юнпенг Танг, М.Хомиджонова Шимолий Бақтриянинг Кушонлар даврига оид янги ёдгорликлари.....	54
Р.Мамадалиев Исмоил ака – темуршунос олим	59
Ш.Охунжонова XIX аср ўрталари - XX аср бошларида Фарғона водийси бозорлари тарихидан.....	64

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Г.Ғаффарова Мураккаб тизимларга оид илмий ғоялар	68
М.Маматов Тасаввуф таълимотининг ижтимоий-маданий детерминантлари	73
Т.Абдуллаев, Б.Холматова Инсон омилини фаоллаштириш масалалари	77
О.Бойбуваева Мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг такомиллашуви	82

УДК: 63+553.85+007.6

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА АНОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УШБУ СОҲАНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

РАЗВИТИЕ ПРОИЗВОДСТВА ГРАНАТА В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ДАННОЙ ОТРАСЛИ

CULTIVATING OF POMEGRANATS AND THE PERSPECTIVES OF THIS BRANCH IN FERGANA REGION

Р.Х.Максудов

Аннотация

Мақолада анор етиштириш ва кўпайтиришдаги ўзига хос жиҳатлар, соҳа ривожини истиқболлари ҳақида маълумотлар берилган. Бу борада Фарғона вилоятида олиб борилаётган ишлар, келгусидаги вазифалар ёритилган.

Аннотация

В статье представлены сведения об особенностях возделывания и размножения граната и перспективах развития отрасли. Освещена работа, проводимая в данном направлении в Ферганской области и предстоящие задачи по развитию этой отрасли садоводства.

Annotation

In the article the information on the peculiar features of cultivating and growing of pomegranates along with the perspectives and development of this sphere are given. The working process and future perspectives in Ferghana region have been elucidated.

Таянч сўз ва иборалар: анор, унумдор ерлар, субтропик мева, нав, экспортбол, хўжалик субъектлари, хорижий сармоядорлар, деҳқон хўжаликлари, илғор технологиялар.

Ключевые слова и выражения: гранат, плодородные земли, субтропические фрукты, сорт, ориентированные на экспорт, хозяйственные субъекты, зарубежные инвесторы, дехканские хозяйства, прогрессивные технологии.

Keywords and expressions: pomegranate, subtropics, fruitful soil, sort, intended for export, household subjects, foreign investors, agricultural farms, progressive technologies.

Анор энг яхши субтропик мева ва декоратив ўсимликлардан бири ҳисобланади. Анор чиқиндисиз бўлиб, илдиз пўстлоғида ва мевасининг пўстида кўп миқдорда ошловчи моддалар борлиги сабабли медицинада дори сифатида ишлатилади. Анор шарбати сиқиб олинган, қолган уруғидан турли хил нарсаларни бўйаш учун фойдаланилади. Шунингдек, ундан сирка кислотаси ҳам олинади.

Анор ўсимлиги одатда 2-5 м баландликда бута шаклида ўсади. Гули йирик, чиройли, якка-якка ёки тўп-тўп тўқ-қизил, зарғалдоқ-қизил бўлади. Бир тўп анорда икки хил узунчоқ тожбаргли кўзача шаклидаги гул учрайди. Булардан биринчиси мева тугади, иккинчиси эса эркак гул ҳисобланиб, ундаги оналик қисми яхши ривожланмаган ва майда бўлиб, мева тугмайди. Булардан ташқари, оралиқ гуллари эса майда буришқоқ мевалар тугади. Анор апрелнинг бошида ҳаво 12 – 14°Сга кўтарилиши билан кўкара бошлайди.

Кузда иссиқ ҳарорат шу даражага

тушганда ўсишдан тўхтайдди. Анорнинг ўсиш даври навига, иқлимга қараб 180-215 кун давом этади. Анор май ойининг бошида гуллайди. Биринчи галда қишлаб чиққан куртаклар гуллайди, орадан 10-15 кун ўтиб, ёппасига гуллаш бошланади. Анор ўзининг навига қараб 120-160 кунда пишиб етилади.

Анор кўчати ерга экилгандан сўнг 2-3 йилда ҳосилга кира бошлайди. Тўлиқ ҳосилга кириши 7-8 йилда бошланиб, 50-60 йил давом этади. Бу эса анор она боғи барпо қилинса, камида 50 йил она боғидан фойдаланиш имконияти юзага келади. Анор турли хил тупроқ-иқлимий шароитида, қумлоқ, тошлоқдан тортиб оғир механик таркибли, лойсимон, ишқорий ва кислотали муҳит тупроқларда ўсаверади. Айниқса, сернам, унумдор ерларда яхши ўсади. Фарғона вилояти тупроқ-иқлимий шароитида, айниқса, рентабеллиги паст ерларда анор етиштириш яхши самара беради.

Сўнги йилларда Фарғона водийсида

Р.Х.Максудов – Фарғона давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

қишнинг илиқ кунларидан кейин баҳор ойларида юз берадиган қисқа муддатли совуқлар, дастлабки вегетация даврида кучли зарар таъсирида дарахтларда касалликларга нисбатан чидамлилиқ пасайиб, вегетация давридаги касаллик ва зараркунандалар таъсирида дарахтлар кучдан кетмоқда. Шу сабабли, Фарғона вилояти тупроқ-иқлим шароитида анор мевасининг юқори ҳосилли, касаллик ва зараркунандаларга чидамли турларини аниқлаш ҳамда янги навларини яратиш, ўзига хос агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маҳаллий, халқ селекциясига оид ва четдан келтирилган навларни ўрганиш натижасида юқори ҳосилли, яхши сифатга эга бўлган, совуққа ва қурғоқчиликка чидамли, турли муддатларда пишиб етиладиган, меваси узоқ вақт сақланадиган навларини етиштириш, анорзорларда агротехник тадбирларни бажариш учун махсус техникани ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва Олтиариқ туманида кенгайтирилган тарзда ўтказилган (2018 йил 19 июнь 10372-хх) мажлис баёнининг 47-бандида “Анор етиштирувчилар” уюшмасини ташкил этиш вазифаси юклатилган. Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзбек озиқ-овқат холдинг” компанияси, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги анор етиштирувчи корхоналарнинг вилоятимизда анор кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида “Анор етиштирувчилар” уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилиши билан “Фарғона анорчилик” ва “Миндонобод

агросаноат” агрофирмалари, “Фарғонаазот” АЖ, “Мастона” АЖ, “Агро сифат логистика” МЧЖ, “Агро сервис – Азия” МЧЖ ва фермер хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари, анор-экспорти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар мазкур уюшма муассислари, деб ҳисоблана бошланди.

Уюшманинг асосий вазифалари сифатида:

- анорчилик соҳасини ривожлантириш, ихтисослашган хўжаликлар ташкил этиш ва ушбу фаолият билан шуғулланувчи хусусий сектор вакилларига кўмаклашиш;

- соҳани комплекс ривожлантиришда иштирок этиш;

- илмий-техникавий, технологик, инвестицион, қайта ишлаш ва экспорт сиёсатини амалга ошириш;

- ер майдонларидан самарали фойдаланиш, интенсив ресурс тежамкор технологияларни қўллаган ҳолда анорзорларни барпо этиш;

- маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилишни босқичма-босқич ошириб бориш;

- анор етиштириш жараёнларига хорижий сармояларни, чет эллик мутахассислар ҳамда консультантларни фаол жалб қилиш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва соҳага илғор технологияларни кенг жорий қилиш;

- сифатли экспортбоп анор кўчатларини кўпайтириш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларига кўчатларни тизимли етказиб бериш;

- касаллик ва зараркунандаларига қарши биологик ҳамда кимёвий воситалар асосида курашиш ишларини ташкил этиш;

- анор етиштириш, уни қайта ишлаш ва экспортга етказиб бериш жараёнларини ривожлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- анорзорларда мавсум давомида агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш бўйича фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарларини ўқитиш учун анорчилик мактабини ташкил этган ҳолда махсус ўқув-тайёрлов курсларини ташкил этиш;

- янги анорзорлар ташкил этиш ва агротехник тадбирларни ўтказиш учун талаб етиладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари ҳисоб-китобларини

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

амалга ошириш каби тадбирлар режалаштирилмоқда.

Президентимиз 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифлари чоғида Қува туманидаги “Фарғона анорчилик” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги агрофирма фаолияти билан танишганларидан сўнг, соҳа вакилларига қуйидаги топшириқларни берган эдилар:

- анорчилик бўйича илмий марказ очиш;

- Фарғона давлат университетида кафедра ташкил этиш;

- Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда ген технологиясини ривожлантириш;

- Ўзбекистон анори бўйича бренд яратиш;

- яқин йилларда Фарғона вилоятидаги анорзорларни 20 минг гектарга етказиш;

- кўчатчиликни кенгайтириш;

- данаксиз анор навларини ўзлаштириш.

Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги ва Инновацион ривожланиш вазирликлари ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги анорчилик тармоғини ривожлантириш, уни етиштиришни илмий асосда ташкил этиш, шахсий томорқа ва анорчилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, анор навларини кўпайтириш, анор кўчатларини етиштириш ҳамда унинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида 2018–2019ўқув йилидан бошлаб анорчилик хўжаликлари олий малакали кадрлар тайёрлаш учун Фарғона давлат университетида Агрономия: анорчилик таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

2018 йил 15 августда Фарғона давлат университетида Зоотехния факультети таркибида Зоотехния ва агрономия кафедраси ташкил этилди ва Агрономия: анорчилик йўналиши очилди. Ушбу

йўналишга 25 нафар ва қўшимча равишда 3 нафар талаба қабул қилинган бўлиб, йўналиш талабаларига Фарғона давлат университетида фаолият кўрсатувчи бир неча фан докторлари ва профессорлар, ўндан ортиқ фан номзодлари ва доцентларимиз таҳсил бериб келмоқдалар.

Фарғона анорчилик агрофирмаси билан университет ўртасида бакалавриат ва магистратура талабалари, ёш тадқиқотчиларнинг малакавий амалиётларини ўтказиш ҳамда илмий-тадқиқотларини олиб бориш юзасидан ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Фарғона анорчилик агрофирмаси раҳбари Мастурахон Сайфитдиновага университетнинг фахрий профессори дипломи топширилди.

Ҳозирда Фарғона анорчилик агрофирмаси билан ҳамкорликда илмий-амалий, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, зоотехния ва агрономия кафедраси икки нафар мустақил тадқиқотчисининг анорчилик соҳаси бўйича илмий-тадқиқот мавзулари тасдиқланди ва ҳозирда улар Фарғона давлат университетида ҳамда Фарғона анорчилик агрофирмасида илмий тадқиқотларни олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари, “Агро сервис Азия” МЧЖ билан, “Нурлиобод” фермер хўжалиги ва бошқа йирик, кўп тармоқли фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Ушбу қарор ва топшириқларнинг рўёбга чиқишида, анорчилик соҳасини илмий асосда ривожлантиришда, янги, экспортбоп, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли анор навларини яратишда, уларни қайта ишлаш ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка эришиш борасида Фарғона давлат университетида соҳа бўйича тайёрланаётган олий маълумотли бакалавр ва магистрларимизнинг катта ўрин тутишлари шубҳасиздир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Амалга оширилаётган ислохотларни изчил ривожлантириш – халқимиз фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилдир. “Халқ сўзи” газетаси. -2017 йил 24 июнь, № 125 (6819).
2. Дехқончилик ва боғдорчилик сирлари. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2006.
3. Хасаний М. Қадимий боғдорчиликнинг изоҳий луғати. - Т.: Ўзбекистон, 2016.